

Шарқ юлдүзү

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиңе бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Мұхаммад Али
Кенгесбай Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минһожиддин Мирзо
Жұмакұл Қурбонов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матәқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош мұхаррир – Сирожиддин Рауф

Бош мұхаррир ўринбосари – Азиз Сайд

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Сайд Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Ориф Ҳожи

11
2020



Абдумурод
ТИЛАВОВ

От образининг бадиий талқини

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанр намуналарида от образига дуч келамиз. Ушбу жанрларнинг ҳар бирининг табиатига кўра от образи ҳам турли мазмун ва маъно касб этади. Мақол, ибора, қўшиқ, нақл, эртаклар ва достонлардаги от образи, уларнинг асар таркибидаги бадиий функциялари ўзаро қиёс қилинса, бу фарқ ва ўзига хослик аниқ намоён бўлади.

*Эл қўнган ерин билар,
От тўйган ерда тинар.
От оёғидан топар,
Одам қўлидан.*

*От бўлари қулунлигидан белгили,
Эр бўлари лўлалигидан белгили¹.*

Келтирилган мақоллардаги от образи билан боғлиқ фикр халқнинг бевосита билим ва тажрибалари, қузатишлари асосида юзага келган фалсафий хуносаларини ифодалашда хизмат қилмоқда.

*Қора тогнинг бошида қўч келади,
Қора йўрга йўртиллаб бўши келади.
Қариндошдан айрилган ёмон бўлар,
Қора кўзга мўлтиллаб ёши келади.*

Ёки:

1 Қаранг: Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1980. – Б. 8, 33, 35.

Абдумурод ТИЛАВОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1970 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Имом Аъзамнинг “Муснад”, Султон Валаднинг “Маърифатнома” асарини ўзбек тилига ўгирган.

*Юқоридан келаман биласанми,
Отим арпа тиласа берасанми?
Отинг арпа тиласа шивит есин,
Оқ кўйлагинг кир бўлса, онанг ювсин².*

Юқорида келтирилган ўланларда лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини ифода этишда бир ўринда қора йўрга – ўлимни ифода этаётган бўлса, кейинги тўртлиқда от – мақсад, мурод поэтик мазмундаги тимсолий маънони ифодаламоқда. Ўзбек фольклоридаги кичик жанрларда от образи ҳалқнинг бевосита от ҳақида тасаввурлари, билим тажрибалари асосида турли поэтик маъно касб этади. Бу хил асарларда отнинг достонлардаги каби мукаммал тасвири, алоҳида образига дуч келмаймиз. Ҳалқ достонларида эса аксинча – от чинакам эпик қаҳрамон қаторида достон сюжетида иштирок этади. Биз бахши шоирлар маҳоратини, жанговар от образини яратиш жараёни орқали ҳам теран кузатиш, тадқиқ этиш имконига эга бўламиз.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида шу нарсага амин бўлдикки, бахши от образининг бадиий жиҳатдан тўлақонли, мумтоз намунасини тасвирлашга эришган ва бу борада унга нодир истеъоди ва ҳаётий тажрибаси қўл келган. Айни пайтда биз бахшининг ҳаёт ҳақиқатини бадиий тарзда ифодалашда сўздан юксак маҳорат билан фойдаланганинг ҳам гувоҳи бўламиз. Биргина мисол: “Юнус пари” достонида Гўрўғлининг:

*Отим Fирот, жонум Fирот,
Сени минганд топар мурод.
Душман етса бўлар уят,*

деган мурожаатини эшитгач, Фиротнинг ҳолатини бахши биргина сатрда тасвирлайди:

*Гўрўғлининг бу тилини эшитиб,
Fиркуй от жонини сотди.*

Куйидаги мисолга эътибор қиласайлик: йўқотган тойини излаб “қонлар ютган” ва:

*Етим тойим ишиқидан,
Бўтадай бўлиб бўзларман.
Тойимни излаб қаландарман,*

деган Гўрўғли “фалакни кўзлаб” турган Фиротини кўриб, севинганидан хушидан кетиб йиқилади. Ўзига келгач, отининг “хезлаб бориб бўйнидан ушилаётир, Fиркуй от буни таниб искараб кишинаётир, тиззасини букиб, Гўрўғлининг устига ўзини ташлаётир. “Вой хоназотгинам, эназотим” деб суйиб, юраги ёрилгудай бўлиб, у ер-бу еридан ўтиб ётири”³.

² Оқ олма, қизил олма. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 140.

³ Гўрўғлининг туғилиши. – Тошкент, 1967. – Б. 123.

Абдумурод ТИЛАВОВ

Қизиги шундаки, Алпомиш ва Бойчибор, Гўрўғли ва Фирқўк достонларда бош қаҳрамон сифатида ёнма-ён иштирок этар экан, Алпомиш ва Гўрўғлининг қаҳрамонлик сифатлари, ташки қиёфаси, ички руҳий олами Бойчибор ва Фирқўк воситасида юксак бадиий моҳият касб этади. Баъзи ўринларда бахши асар сюжет ва композициясидан от тимсоли тавсифига шу қадар кенг ўрин берадики, асарнинг бош қаҳрамони от эмасмикин, деган мулоҳазалар ҳам пайдо бўлади. Чунки, Бойчибор, Фирқўк ҳар бир достонда ўз рақибларига, насл жиҳатдан яқинларига эга бўлибгина қолмасдан, балки улар билан муносабатга киришади. Бахши от образини мукаммал сувратда юксак пафосда намоён этиш жараёнида тинимсиз ишлайди, бошқа бахшиларнинг тажрибаларини ўрганади ва айни чоғда ўзининг индивидуал йўналиши билан майдонга чиқади. Бахши от образини яратишда халқ оғзаки ижодидаги мавжуд анъаналарга амал қиласди. Достоннинг бош қаҳрамони нечоғлик мураккаб ҳолатларни бошидан кечирса, унинг оти ҳам шу вазиятларда синовдан муваффакиятли ўтказилади. Аксари ҳолатларда ҳақиқий тулпор отнинг ташки қиёфаси кўримсиз тасвирланиши ҳам мумкин. Бу ҳолат ҳам ўзига хос анъанага эга...

“Алпомиш” достонида Ҳакимбек от тўдасига уч марта тўриқ отганда ҳар сафар тўриқ Бойчиборга тушади. Савол туғилади: Алпомиш нима учун иккинчи ва учинчи марта тўриқ ташлади? Жавоб: Алпомиш Бойчиборнинг ҳақиқий тулпор эканлигини аниқлай олмаган эди. Айни шу ҳолат “Гўрўғлининг туғилиши” достонида ҳам кўзга ташланади. Синчи Равshan ҳолвачининг кўринишидан қирчанғи кўринган оти деб кўр килинади. (Бу ўринда Кўкалдошнинг синчиси тақдирини яна бир бор эсга олиш мумкин). Аммо Равshan кўлга киритган от Фирқўк эмас эди. Фирқўк пайдо бўлгунига қадар бутун бир авлод тақдир ўтиб кетади. Фикримизча, халқ эпосида от образининг яратилиши ва ишланиши бош қаҳрамоннинг ҳарактерини мукаммаллаштириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлади.

Мисолга қарайлик: достонлардаги бош қаҳрамон портрети аксар ҳолатларда икки хил усулда чизиб берилади.

Биринчидан, асар қаҳрамонининг ташки қиёфасидаги айrim деталларни алоҳида-алоҳида таъкидлаш натижасида портрет майдонга келади.

Иккинчидан, достон қурилиши – композициясида қаҳрамон портрети учун маҳсус ўрин ажратилади. Ўша муайян парча қаҳрамон портрети хусусида мукаммал тасаввур беради. Кузатишимида, достонлардаги от образининг портрети ҳам бахши томонидан маҳсус чизилади, тавсиф этилади. Бунда ҳам қаҳрамон портретини беришга ўхшаш икки усулдан фойдаланилади. Хусусан, бир неча ўринларда отнинг айrim фазилатлари қайд этиб ўтилади, баъзан эса отнинг умумий қиёфаси достон матнидаги бир парча билан ифодаланади. Пировардида от тимсолининг достонларда яратилиш усули асар қаҳрамонини тасвирлаш усули билан ўйғун кўринишга эга бўлади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқ достонларида жанговар от образини қаҳрамондан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Бахшининг тасвирлашича, нафақат қаҳрамоннинг, балки мамлакатнинг тақдирни кўп жиҳатдан отга боғлиқ. “Чамбильнинг таянчи” деб сифатланаётган Фирот Чамбильдан чикқан куни бу юртга “ваҳим келади”, “фалокат келади”, ҳаттоқи “жилайди”. Бинобарин, бу

отни бегоналар остида кўрмаймиз. Гўрўғлиниң энг яқинларига ҳам Ғирот жуда қийинчилик билан, баъзан Соқибулбул “орага тушиб” берилади. Чунки Ғиротни сўраш жонни сўрашдан-да оғир ботади қаҳрамонга.

Нуралиниң “мен сўрайман табладаги Ғиротди” деган сўзини эшитиб “...бек Авазниң ақли житиб, икки қулоғи битиб, балки ўзидан кетиб: “Кўйдирмагин менинг жону монимни, Ғирот дема, майли сўра жонимни”⁴ дея қуйидаги сўзларни айтиши бежиз эмас:

*Фарзандим, кўйдирма хону монимни,
Садага айлайн бугун танимни.
Мендан келиб тожжу тахтим сўрагин,
Бер, десанг, берайин танды жонимни.*

*Ғирот кетса ваҳим келар Чамбилга,
Шу Ғиротдир осойишталик эгаси.*

*Эга келса тоши иморат қулайди,
Боғбон бўлса сувсиз гиё гуллайди.
Ғирот кетса бир фалокат бўлмайми,
Шунинг учун сўнгра Чамбил жилайди.*

Ҳатто “...отинг қувватли бўлса, аркони давлат сеники, деган гап бор. Чамбильда Ғирот турса, дараҳтнинг томири қувватли бўлади”, дейди баҳши.

Туркий халқларда тотем ўлароқ қабул этилган ҳайвонлар, жумладан отга бўлган ботил эътиқод, муносабат ҳам шу тарзда эди. Биз бу ҳақда ишимизнинг “От образининг тарихий асослари” бобида кенг тўхтадан эдик. Келтирилган парчаларда от ҳақидаги тотем, мифик қарашларнинг эпосдаги бадиий ифодасини кўрмоқдамиз. Ва айтиш мумкинки, “Гўрўғли” туркуми достонларида Чамбил билан Гўрўғлини бирлаштириб турувчи восита Ғиротдир. Инчинун, қаҳрамоннинг Ғиротга карата “Чамбилга вафодорим, Чамбилининг чироги, Чамбилбелнинг қальласи, Гўрўғлининг жўраси, Чамбилимнинг юлдузи” (“Жорхун мастан”) дея мурожаат этиши ҳам табиий ҳол.

Юкорида қайд этилганидек, жанговар от бегоналарга берилмайди. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси учун хос бўлган бир ҳодиса борки, баъзан қаҳрамон отини унинг дўсти минади. Масалан, “Алпомиш”даги пойгада Алпомиш номидан Бойчибор билан Қоражон қатнашади. Тўғри, бу тингловчи учун бироз файритабиий туюлиши, нега энди Алпомишининг ўзи пойгада қатнашмайди, каби саволларга сабаб бўлиши мумкин. Бу лавҳани “чин дўстликнинг бадиий талқини” тарзда изоҳлаш эса жуда жўн бўлар эди. Биз этнографияга доир маълумотларда қадим аждодларимиз от ва эгасини биргаликда кўмгани, от ва туркнинг бир-бирига нақадар яқинлиги ҳақидаги фикрларни келтирган эдик. Чунончи, от тўғрисидаги мифик тасаввурларга кўра, от ва қаҳрамон бир-бирига teng, бир-биридан ажралмасдир. Отнинг ғалабаси эгасининг ғалабасидир.

4 Жорхун Мастон. Достон. Айтувчи: Қодир Раҳимов. Нурали. Достонлар тўпламида.— Тошкент, 1989. Кейинги иқтибослар шу китобдан олинади ва саҳифа раками кавс ичидаги берилади.

Абдумурод ТИЛАВОВ

Қозоқ халқыда “Қиз қувиш” деб номланган машхур одат бор. Йигит қизни отда қувиб етмаса, қиз қайтишда чавандоз йигитни ва отини баравар қамчилаб келади. Бу ҳам от ва эгасини бир деб билиш ҳақидаги тасаввурларнинг таъсири бўлса ажаб эмас⁵.

Демак, Алпомишиш отини Қоражон миниб пойгода қатнашиши ҳам Алпомишининг обрўйига, салоҳиятига зид келувчи ҳодиса эмас. Алпомишининг ўз дўсти Қоражоннинг ёрдамини рад этиб, етти йиллик азобга дош бериши ва Товка орқали юбориб тутатилган исириқ ҳиди сабаб бўлиб бандиликдан оти томонидан кутқарилиши ҳам, Алпомишининг тақдири ҳал бўлаётган пойгода Бойчиборни Қоражон миниши ҳам от ва қаҳрамон бирлиги, тенглиги, тақдиридошлиги ҳақидаги тушунчаларнинг достондаги бадиий ифодасидир.

Гўрўғлидан сўралмай, олиб кетилган Ғирот қўпинча устидаги чавандознинг фўрлиги, ёшлиги ва тажрибасизлиги туфайли азобга қолади, айни пайтда чавандоз ҳам хатосига (ёхуд қиммишига) яраша жавобни олади. Бироқ баҳши мана шу “истанилмаган сафар” давомида ҳам жанговар отнинг янги қирраларини намоён этади.

Соқибулбулнинг “От топилар, Аваз, фарзанд топилмас” (“Жорхун Мастон”) деган гапи таъсир қилиб, ноилож Ғиротни Нураги берган Аваз, “Бемаврид Ғиротни асло урмагин”⁶, дея насиҳат қиласиди. Нураги ва Ғиротнинг ана шу сафари давомида отдаги ўта сезирлиқ, хавфни олдиндан сезиш каби ҳаётий сифатлари, шу билан бирга отнинг эпосдаги функцияси кўринади.

Жорхун Мастон Нураги ўз бедови билан Ғиротни пойга қўйишни таклиф қиласиди. Мақсади – Ғирот олдинга ўтса, орқасидан келиб Нурагини банди қилиш эди. Бироқ мастоннинг бу ниятини сезган Ғирот рақиби билан тенг югуради:

*Ҳайда, дейди, мастан ҳамиз беради,
Кўнглида ўтса деб кетиб беради.
Бу мастаннинг кўнглин Ғирот билади,
Ақлин билинг назаркарда Ғиротни.*

*Нураги устида ҳайрон бўлади,
Ўткин, дейди, от човига уради.
Ғирот ўтмай тенг бўб кетиб боради,
Кўнглин билинг назаркарда Ғиротни.*

Мастоннинг мақсади амалга ошмагач, у яна ҳийла йўлига ўтади. Нурагининг овга чиққанидан фойдаланиб, шериклари билан гозлар қиёфасига киради. Буни ҳам билган Ғирот “юргиси келмай, бўйини эгиб” тураверади.

Мастонлар турган уйга яқинлашгач, яна Ғиротнинг “қайсарлиги” тутади. Оқсаб юради, бот-бот орқасига қарайверади, ҳатто Нурагининг сонидан озор бермай тишлайди. Чунки бу ўтовда Нурагини яна бир хавф кутаётган, у бундан бехабар эди. Нураги сув ўрнига беҳуш килувчи дори берилаётгани отга аён бўлади. Шунинг учун у Нураги сувни ичтирмасликка ҳаракат қилиб “ўйин” кўрсатади:

5 Бу ҳақда яна қаранг: Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси: тарихий асослари ва бадиияти. – Тошкент, 1995. – Б. 69-76.

6 Халқимиз от бошига уришни гуноҳ деб билади. – А.Т.

*Оёги косани тепди,
Коса қўлда синиб кетди.
Буни қўйиб бошқасига
Бек Нурали қўл узатди.*

*Жонивор Fирот билади,
Қўл узатса бу ийелади.
Қўлга коса олдирмайди,
Туёги билан бўлади.*

Бироқ Фиротнинг уриниши бекорга кетади. Отга “жаладай қиб қамчи бериб” бир коса “сув”ни ичган Нурали банди бўлади, отни беҳуш қилиб занжирлашади. Ўзига келган отнинг ҳолатини бахши шундай тасвирлайди: “Фирот бошидан занжир билан боғланган, жонивор банди бўлганини билиб, кўзидан жимма-жимма ёш кетиб турибди”.

От хавфни қаҳрамонга йўлатмаслик учун баъзан “аччик, симдай ботувчи” қамчиларга дош беради. “Машриқо” достонида Фирот ўтлаб юрган туяларни кўргач, юришдан тўхтайди, Гўрўғли эса:

*От устида жуда ҳам кайфи учиб,
Ҳайрон қолди Fиротининг ишига.
Қамчи урди Fиротининг бошига
Чинқириб кишинади хоннинг Fироти...
Тўрт оёги жуда ҳам ерга ботган.*

Фиротнинг ўз эгаси учун бу қадар азобга чидашига – “чинқириб кишинаш”га ҳам сабаб бор эди – жодугарлар түя суратига кирган эди.

Келтирилган мисоллардан аён бўлмоқдаки, бахши ҳаётидаги отнинг ўта сезигирлик қобилияти ва шароит тақозоси билан яширин ирова кучига эга эканини ишга сола билиши каби ҳар қандай ҳайвонга-да берилмаган фазилатга эгалиги, эгасига садоқатлиги, ақлли ҳайвон эканлигини эпосда ошикча ва сохта муболагаларсиз, содда, ишонарли тарзда бадиий ифодалай билган.